

Андижон вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси билан Мiтах – Road МЧЖ ўртасида давлат аҳамиятдаги автомобиль йўлларини 2022 йил 1-чоракда жорий таъмирлаш ишлари бўйича тузилган ШАРТНОМА № 5/2022

Андижон шаҳри

2022 йил 07-май

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т.Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Бажарувчи”** деб юритиладиган **“Мiтах – Road”** маъсуляти чекланган жамият Низоми асосида иш кўрувчи С.Закирова иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Андижон вилояти ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНING МАҚСАДИ

1.1. **“Бажарувчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ Андижон вилояти ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятдаги автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Бажарувчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНING БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 2022 йилда 1-чорак жорий таъмирлаш ишлари учун смета **71 000 000 (Етмиш бир миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 30% миқдоридан олдиндан аванс тариқасида **“Бажарувчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. **“Буюртмачи”** томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан **“Бажарувчи”** томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида **“Бажарувчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. **“Буюртмачи”** охириги тўловни **“Бажарувчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРNING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **“Бажарувчи”**нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кўчлари билан бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. **“Бажарувчи”**нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олиннадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. **“Буюртмачи”**нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. **“Буюртмачи”**нинг ҳуқуқлари

“Бажарувчи”дан бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини амалдаги халқаро стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“Бажарувчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Бажарувчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Бажарувчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Бажарувчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдордан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада қўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БАЖАРУВЧИ”

"MIMAX – ROAD" MChJ

(иш бажариб берувчининг номи)

Андижон шаҳри Махжурий кўчаси 27-уй
Телефон: (+99890) 526 1980
Х/р: 2020 8000 8009 9958 2001
Асака Банк Андижон вилоят бўлими
МФО: 00069 ИНН: 306 098 110
ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71 110

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилояти автомобиль йўллари
бош бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи
Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30
Тел./факс 224-10-07 226-88-90
ш/х.р: 304510860034017045152118001
СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112
Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия
Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБББ ХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919

Раҳбар:

С.Закирова



Бошлик:

Т. Қараев



Ҳуқуқшунос:

О. Қодиров.